

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Юртимизда сўнгги йилларда қурилиш материаллари саноати соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қабул қилинган қатор давлат дастурлари, соҳани янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида Президент фармон ва қарорлари, уларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари шулар жумласидандир. Натижада юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли ва 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли қарорлари қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш истиқболлари ва стратегиясини белгилаб берди.

Хусусан, 2019-2020 йилларда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашига 10 та йўналиш бўйича жами 42 та инновацион лойиҳалар Кенгашда кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва ўтказилган танлов натижаларига қўра умумий молиявий ҳажми 10,6 млрд. сўмлик 8 та инновацион лойиҳалар илмий-техникавий кенгашда ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этилди. Ушбу инновацион лойиҳалар орқали энергия тежамкор, атроф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштирадиган, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Соҳадаги туб ислоҳотлар натижасида, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни кенг жорий қилишга, айниқса маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни технологиклигини оширишга, янги лойиҳаларни амалга оширишда энг замонавий инновацион ускуна ва жиҳозлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли 2020 йилда 22 трлн. сўмлик (мисол учун, 2016 йилда 6,8 трлн сўмлик) маҳсулотлар ишлаб чиқариш кутилмоқда ёки 2016 йилга нисбатан ўсиш динамикаси 3,2 бараварни ташкил этган. Хусусан: цемент – 14,5 млн тонна ёки 168 фоиз, қурилиш ойнаси – 23 млн кв м ёки 181 фоиз, керамик плитка – 41,5 млн кв м ёки 4,3 баравар, гипсокартон – 61 млн кв м ёки 2,1 баравар, обой (гулқоғоз) – 2 млн ўрам ёки 89 бараварга ошган.

Сифатли ва хавфсиз янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 340 та халқаро стандартлар 2019 йилда қабул қилинди, 2020 йилда 542 та ва 2021 йилга 505 та халқаро стандартлар режага мувофиқ қабул қилинмоқда ҳамда бу билан бирга халқаро стандартлар билан уйғунлашув даражаси оширилмоқда.

Жорий йилнинг 12 октябр санасида Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича устувор вазифаларга бағишлиланган йиғилишда мамлакатимизда интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза

қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни, жумладан 2021-2022 йилларда экспорт улуши умумий товар айланмасида 60 фоизидан ортиқни ташкил этувчи экспортёр-тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини бепул рўйхатдан ўтказиб бериш, жойларда барча раҳбар ва мутасаддилар интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш ва у орқали ишлаб чиқариш, шу жумладан қурилиш материаллари саноати соҳаси ривожини илм-фан ютуқлари ва инновацияларни жорий қилиш орқали таъминлаш, миллий брендлар сонини ошириш каби муҳим вазифаларни белгилаб берилди.

Президентимиз қарорларида белгилаб берилган кенг кўламли вазифалар ижросини таъминлаш ва соҳа олдида турган энг долзарб муаммоларнинг ечимини таклиф этиш бўйича тизимли ишлар давом этдирилмоқда.

**“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
Матбуот хизмати**